



БАҲОР ТАОМЛАРИ

Эрта баҳорда инсон танаси дармонсизланиб, ҳолсизланиб бораётгандек бўлади.

Бош айланиб, кўз тиниш ҳолатлари кузатилади. Бу халқ иборасида илик узди дейилади. Шундай дамларда қувват ва дармон берувчи баҳорий таомларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Сумалак ва ҳалим азалдан Наврўз таомлари ҳисобланади.

Қуйида ушбу таомларни тайёрлаш жараёнини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Кўпчиликка сумалак тайёрлаш учун бир қоп – 50 кг. ун, 20 кг. буғдой, 5 кг. пахта ёғи керак бўлади.

Сумалакни тайёрлаш учун аввало буғдой тозаланиб, илик сувда ювилади. Ювилган буғдой сирли идишга солиниб, бир кун ивитиб қўйилади. Буғдой сал ниш ургач, тоза фанер устига ёки плёнка устига, қуёш нури тушмайди деган жойга ёйилади. Дон ёйилган хона ҳарорати бир хил, яъни иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмаслиги керак. Ҳар куни масалликча маълум миқдорда сув сепиб турилади. Икки-уч кундан сўнг буғдой кўм-кўк майса бўлиб, бир текис униб чиқади. Майсалар игна бўйи бўлганда, уни бўлакларга бўлиб, ёйилган жойидан ажратиб олинади. Кейин гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Устидан сув қуйиб, аралаштирилади.

Сўнгра шарбати докада сузилади. Ҳосил бўлган сусимон суюқликдан уч марта шарбат олинади. Катта қозонга солиб қиздирилган пахта ёғи доғланиб совитилади. Даставвал сузилган шарбат қуйилади, кетидан буғдой уни элакда ёйиб солинади. Яхшилаб омукта қилинган суюқлик баланд оловда қайнатилади. Қайнаб чиққач, иккинчи сузилган шарбат қуйилади. Бу ҳам қайнагач, учинчи сузилган шарбат қуйилиб, баланд оловда қайнатилади. Қайнаб чиққанидан сўнг олов бир оз пасайтирилади. Бир маромда қайнайверади.

Аёллар кетма-кет 3-4 та капгирда қозонни қовлаб туришлари керак. Шу пайт 20 – 30 дона ёнғоқ ёки майда тош солинади ва бетўхтов қовлаб турилади.

Сумалак 10 – 12 соат қайнатилади, жараён давомида сув қуйиб турилади. Сумалакнинг ранги тўқ жи-



гарранг бўлиб қуюқлашганида етилган ҳисобланади. Қозоннинг олови олиниб, устига қопқоқ ёпилади. Мато билан ўралади ҳамда 5-6 соат димлаб қўйилади. Димланиш муддати якунлангач, қозон усти очилади ҳамда тановул қилиш учун тарқатилади.

Ҳалим тайёрлаш учун аввало қозонга сув солиб, керагича гўшни ювиб соламиз ва қайнатамиз. Бироздан сўнг ярим халқа тўғралган пиёз қозонга солинади. Гўшт пишгач олиб гўшти суяқдан ажратилади.

Гўшлар қайтиб қозонга солинади ва тўртбурчак қилиб тўғралган чарви унинг изидан қозонга тушади. Ундан сўнг ювилган ёрма (овсяная крупа) ёки буғдойни қозонга соламиз ва аралаштиришда давом этамиз. Бундан кейин иложи борича қовлашдан тўхтамаслик керак. 7-8 соат қайнагач устини ёпиб, тонгача димлаб қўямиз. Қиймасига эса нўхотни қайнатамиз (1 кун олдин ивитиб қўйиш зарур), сўнг унга кубик қилиб тўғралган сабзи, думба ёғи ва ҳалқасимон тўғралган пиёзни солиб, қайнатишда давом эттирилади. 7-8 соатда тайёр бўлади. Сузишда идишимиз катталигига мос ҳалим ва устига қиймасидан солиб, дастурхонга тартадилар.

М.ЗУБАЙДУЛЛАЕВА,
катта ўқитувчи.
Ф.ИРСАЛИЕВА,
ассистент

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси эпидемиология кафедраси ассистенти Муҳайё Кенжаевага волидаи муҳтарамалари
Рўзиҳон аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти Замира Фахриевна Умаровага турмуш ўртоғи
Худойберган Аҳмедович Умарбековнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси Ш.Алимов номидаги фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти директори, профессор Наргиза Нусратовна Парпиевага оналари
Ҳамидаҳон аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR:
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilibimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007 yil 15 yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



БАЙРАМ ТАБРИГИ

Уйғониш ва янгилиниш, қут-барака элчиси
Наврўзи айём шукуҳидан диллар яйрамоқда.

Тинч ва осойишта юртимизга тўй-томошалар, байрамлар
ярашади.

Мамлакатимизда Наврўз қадриятлари билан жорий йилнинг
Фаол тадбиркорлик, инновацион ғояларни ва техно-
логияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилинишида
ҳам ўзгача узвийлик мужассам. Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро
қадр-қиммат, хайру саховат, меҳр-оқибат тимсолидир.

Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш, яшариш айёми
бу йил дилларимизни яна қувончу шодликка чулғади. Наврўз
халқимизни тинчлик, баҳамжиҳатлик, хайру саховатга
чорламоқда.

Ҳурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёшлар! Сиз-
ларни мана шу гўзал, тароватли Наврўз айёми билан чин
дилдан қутлайман. Сизларга аввало соғлик-омонлик, оила-
ларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман.
Илмий изланишларингиз ва ўқишларингизда омад ёр бўлсин.
Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поклаб,
нурафшон айлосин.

Л.Туйчиев,

Тошкент Тиббиёт академияси ректори

НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК, ВАТАНДОШЛАР!

**Мана, неча кундирки,
ўлкамизга фасллар келинчаги
баҳор кириб келди. Баҳор
– янгилиниш фасли. Ушбу
фаслда табиат билан бирга
инсонлар, уларнинг руҳияти
ҳам янгиланади. Баҳорнинг
гўзаллигидан илҳомланиб
кишининг ҳар кунни
байрамдек ўтказгиси келади.**

Юртимизда ҳар йили Наврўз байрами жуда кенг ва жуда чиройли нишонланади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги “Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида”ги 198-сон буйруғида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни шакллантириш мақсадида Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда қатор ишлар амалга оширилди. Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли ҳудудларда ва академик лицей ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар экилиб боғлар яратилди.

Жорий йилнинг 16 март куни Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда Тошкент шаҳри ва юртимизнинг барча вилоятлардан келган ёшлар иштирокида миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирда ҳар бир вилоятдан келган ўқувчи-ёшлар ва ўқитувчилардан ташкил топган гуруҳлар томонидан баҳорий миллий таомлар, ажойиб ноз-неъматлар қўйилган дастурхонлар безатилди.

Давоми 2-бетда.



**Наврўз – янгилиниш, янги кун, янги
ҳаёт, поклик ва шодлик, маънавият ва
бирдамлик тантанаси.**



Хикмат

НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК, ВАТАНДОШЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирга Украинининг В.Н.Каразин номидаги Харьков миллий университети, Донецк тиббиёт университети, Россиянинг Иркутск Давлат тиббиёт университетлари вакиллари ташриф буюришди. Миллий-лигимизни акс эттирувчи ўйинлар, лапарлар ва куй-қўшиқлар тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишига катта ҳисса қўшди. Меҳмонлар тадбирдан олган бир олам таассуротларини, бизнинг миллий байрамларимизга бўлган эътиборларини, меҳр-муҳаббатларини чуқур ҳис-ҳаяжон билан изҳор этиб, бизни байрам билан қутлашди.

Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ҳамда кўнгилли ўтказиш, уларнинг маънавий ва маданий савиясини ошириш, санъатга бўлган иштиёқи ва қизиқишларини юксалтириш, шунингдек миллий қадриятларимизни ўргатиш, уларга бўлган меҳр-муҳаббатни синдириш мақсадида 2018 йил 26 март куни «Наврўз» умумхалқ байрами кенг ва кўтаринки руҳда нишонланди. Байрам муносабати билан «Талабалик баҳори» ҳамда ТТА факультетлар талабалари ўртасида маданият уйи томонидан ишлаб чиқилган Низом ва Дастур асосида миллий фольклор ва театр бадиий ҳаваскорлик чиқишлари ташкил этилди.

Тадбирда талабалар «Наврўз» байрамининг келиб чиқиш тарихини ўз ичига қамраб олган миллий урф-одатларимиз, сумалак, ҳосил байрами, тўй-ҳашамлар, лапар ва ўланлар, шунингдек, ҳар бир воҳа турли чиқишлари ҳамда ёр-ёрлари, рақс, кўшиқ-куйлари (муסיқа асбобида) чиқишлардан тузилган бадиий концерт дастури, шеърият танловида «Юртим жамоли»,



«Наврўз», «Миллий қадриятларимиз» мавзуларида ёш қаламкашлар ижодидан намуналар, амалий санъат танловида ёш ҳаваскор рассомлар ижодидан намуналар кўргазмаси ва бошқа бир қатор танловларда турли чиқишлар билан иштирок этишди.

Бундан ташқари, ҳар бир факультет талабалар турар жойларида дошқозонларда сумалаклар қайнатиб, Наврўз дастурхонлари тузашди.

Миллийлигимиз нафаси уфуриб турган бу каби тадбирлар юртимиз миқёсида кўпайиб ўтказилиши барчага маълум. Зеро, тинч, осойишта юртимизга байрамлар ярашади.

Яна бир бор Наврўзингиз муборак, азиз юртдошлар!

Э.ШУКУРОВА,

ТТА маънавият ва маърифат бўлими услубчиси
Ш.ХОДЖАНОВА,
ассистент

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОМ ИФОДАСИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида, Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ўтказилган тадбир ҳам баҳор нафасини ўзида мужассам этган гўзал туйғуларга, шодликларга ошно бўлган байрамона кайфиятда ўтказилди.

Тошкент Тиббиёт академияси ректори Л.Туйчиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътиром, аёлларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламининг янада оширилаётганини, бу борада давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони дастуруламал бўлаётганини таъкидлади. Байрамга

ташриф буюрган фидойи тиббиёт ходимларини, лобар аёлларни, гўзал талаба қизларни тиббиёт соҳаси, жамият ва оила олдидаги бурчларини садоқат билан бажаришга чорлаб уларга тани-сиҳатлик, бахт ва омад тилади.

– Юртбошимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик биз, аёлларга куч, шижоат бағишламоқда, – дейди Олий маълумотли хамшира факультети декани ўринбосари Нодира Абдураҳмонова. – Бундай юксак эътиром ва эътиборга биз аёллар оилада Ватанимиз равнақига ҳисса қўшадиган

соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, шарафли ва заҳматли касбимизга янада масъулият билан ёндашиб, садоқат билан хизмат қилиб, муносиб жавоб қайтарамиз.

Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ректори томонидан академия ҳузуридаги 1, 2, 3-клиника ходимларига, кафедра профессор-ўқитувчиларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир сўнгида «Ўжарлар» спектакли намойиши бўлиб ўтди.

Н.НУРИДДИНОВА,
доцент

Хикмат



**Наврўзи олам – миллий ифтихор, ўзликни
англаш ва ҳамжиҳатлик рамзи.**



Хикмат

ТЕРМИЗИЙ МЎЪЖИЗАСИ

«Имом Термизий қуввайи ҳофизаси ўнлаб олимларнинг хотирасидан кучлироқ ва тиниқроқ эди».

Мақхул ибн ал-Фазл



Ўтган мақоламизда Ислому олами тан олган 9 та ҳадис илмининг уламоларидан бештаси, яъни Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоий, Имом Доримий ва Имом ибн Ҳиббон бизнинг юртдошларимиз, бобокалонларимиз эканлигини фахр билан каломга олган эдик. Профессор Убайдулла Уватовнинг берган маълумотларига қараганда илмда, фанда, фикҳда, шеъриятда из қолдирилган Бухорийлар 30 дан, Термизийлар 50 дан, Насафийлар 100 дан, Самарқандийлар 80 дан ортиқ экан. Айнан ана шундай куббатул Исломулар туфайли Мовароуннахрнинг Самарқанд, Термиз, Шаҳрисабз, Бухоро каби шаҳарлари Ислому динининг куч-қудратини намоён этадиган илм марказлари сифатида танилган. Мустақил диёримизнинг пойтахти азим Тошкент шаҳри 2007 йилда нуфузли халқаро ташкилот ISESCO томонидан «Ислому маданиятининг пойтахти» деб эълон қилинганлиги мазкур буюк бобокалонларимизнинг Ислому дини ва маданияти, мусулмонлар маънавиятига қўшган буюк ва бебаҳо ҳиссасининг яна бир ёрқин эътирофи бўлди. Ҳадиси шарифларда келтирилишича жаноби пайғамбаримиз (с.а.в) «Менинг сўзимни эшитиб, уни англаб, ёд олиб, сўнг уни бошқаларга ўзи эшитганидек етказган кишини Аллоҳ яшнатсин, юзини ёруғ қилсин», - деган. Улуғ бобокалонимиз ҳам ўз битиклари орқали миллионлаб қалбларга улуғ ҳадисларни етказиб, юзи ёруғ бўлган инсонлардандир.

Муҳаддиснинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳоқ Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр аб –Буғий ат-Термизий бўлиб 209 ҳижрий (824 мелодий) йили Термиз яқинида Буғ (ҳозирги Шеробод тумани ҳудудида) ўртаҳол оилада таваллуд топган. У болалигиданоқ ўта зеҳнли ва идрокли бўлиб 26 ёшидан бошлаб умри сафарларда ўтади. у на фақат ҳадис илмидан, балки илм ал қироат, ал баён, фикҳ, тарих ва бошқа соҳалардан сабоқ олиб йирик олим даражасига етади. Ҳадис илмини эгаллашда у замонасининг имом Ал Бухорий, имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд, қутаба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдураҳмон кабилардан таҳсил олган. Бухорий билан Нишопурда бирга фаолият юритиб кўпайиб илмий баҳсларда иштирок этди ва бу ҳақда «Ал илал» китобини ёзди. 892 йилда ўз ватанига қайтиб келиб Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган ва шу жойда дафн қилинган.

Ат-Термизий ҳаёти мобайнида ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг илмий меросида шубҳасиз Ал Жомий (Сунани Термизий) асари катта аҳамиятга эгадир. Муаллифининг йирик асарларидан бири «Аш шамоил ан набавийя» бўлиб жаноби пайғамбаримизнинг шакл

шамойиллари, умргузаронликлари, одатлари, муомала ва мулоқот маданиятлари хусусида қимматли маълумотларни ўзида жам этган. Унинг «Китоб ат тарих», «Китоб уз зухд», «Рисола фи л хилоф ва – л жадал», «Асмо ус – саҳоба» асарлари ислому оламида жуда машҳурдир. У ўз устозлари имом Ал Бухорий, имом Муслим асос солган хайрли ишларни ихлос билан давом эттириб ҳадисшуносликнинг илмий асосида ривожланишига улкан ҳисса қўшди, мусулмон дунёсидаги энг нуфузли муҳаддислар сафидан ўрин олди. Унинг хизматлари таниқли олимлар томонидан юқори баҳоланган. Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал Идрисий: «Ат Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир», - деб ёзса, Тиқиуддин ибн Таймия: «Абу Исо ат Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим қилган буюк олимдир», деб гувоҳлик беради.

Мустақиллик йилларида улуғ бобокалонимизнинг турбатлари ва мақбаралари таъмирланиб, жаҳон илм аҳкомлари мутаассир бўлиб зиёрат қилинадиган қутлуғ масканга айланди. Биринчи Юртбошимиз Ислому Каримов (Аллоҳ раҳматида олган бўлсин) диёримиздаги барча қадамжолар қаторида улуғ бобокалонимизга ҳам алоҳида ҳурмат кўрсатиб, ободонлаштиришга бош-қош бўлгандилар, яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу қутлуғ масканда бўлиб уни янада такомиллаштириш ва гўзаллаштириш ҳақида қатор фармонларга имзо чекдилар. Айрим юртларда қадамжолар, улуғлар хоки мангуга бош қўйиб ётган масканларга унчалик эътибор берилмаётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Жумладан ўн йил муқаддам улуғ шоир ва валий Махтумқули Фароғий қабри Туркменистонда ғариб ва кўримсиз ҳолатда эканлигини, Қозоғистонда шайх Иброҳим ва Қалдирғоч оналарнинг зиёратгоҳлари бетаъмир ва тозаланмаслигидан хафа бўлиб кетгандим. Аллоҳга шукрки, юртимиз бу борада ҳам уларга намуна бўла олади.

Аллоҳ Сурхондарёга қадамингизни ўнглаганда Сўфи Оллоҳёр, Сангардак ота, шайх Оловиддин Атторлар қаторида улуғ муҳаддисни ҳам зиёрат қилиб, номимиздан Қуръон тиловат бағишлашингизни илтимос қиламиз.

Алижон ФАҚИРОВ,
тиббиёт фанлари номзоди,
«Турон» академияси академиги
Қутбиддин НИЗОМОВ,
олий тоифали шифокор,
соғлиқни сақлаш аълочиси

Хикмат



**Борди-ю инсон ҳаёти эзгу фикр, эзгу сўз,
эзгу ишлар билан ўтган бўлса,
у абадул-абад фароғатда яшайди.**



Хикмат

БЎРОНЛАРНИ ЕНГАН НАВРЎЗ

Ҳар бир халқнинг турфа байрамлари бор. Бироқ байрамни шунчаки ўйин-кулги, хурсандчилик дейиш унчалик тўғри бўлмайди. Байрам — халқ тарихи, маданияти ва маънавияти билан боғлиқ жиддий ижтимоий ҳодиса. Шарқ халқлари учун Наврўз шундай байрам.

Наврўзнинг бошқа байрамлардан фарқи бир жиҳати бор. У бирон тарихий шахс, бирон тарихий воқеа, сиёсий ёки диний қарашлар билан боғлиқ эмас. Бу — соф табиий байрам! Кеча ва кундузнинг тенглашуви, ернинг омон солишга етилиши, дарахлар гуллаши — хуллас, янги кун, янги фаслнинг бошланиши айнан шу кунга тўғри келади. Демак, ота-боболаримиз бу байрамни хўп ўйлаб, хўп тажрибадан ўтказиб удум даражасига кўтарган. Наврўз шуниси билан гузал ва қадри!

Афсуски, шўро замонида кўп миллий қадриятлар қатори Наврўз ҳам бир чеккага суриб қўйилди. Қизиғи шундаки, ўттизинчи йиллар қатағонидан бир қадар эсон-омон ўтиб, ўтган аср ўрталарида тагин жонлангандек бўлган Наврўз саксонинчи йилларга келиб яна кўвгин қилинди.

Мустақиллик йилларида дунёқарашни шаклландирган авлодга тушунарли бўлиши учун бир нарсани эслатиш фойдадан холи бўлмаса керак. Шундай қилиб, саксонинчи йиллар бошида марказкомнинг машхур ва машъум ўн олтинчи пленуми бўлди. Кейинчалик “ўзбек иши”, “пахта иши” баҳонасида Ўзбекистон бошига солинган кулфатлар, акасини дафн этиш учун мазористонга борган укани партиядан ўчириш деган ғайриинсоний қилиқларнинг дебочаси ўша пленумдан бошланди. Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади, деганларидек, Исломи дини пайдо бўлмасидан бир ярим минг йил аввал мавжуд бўлган Наврўз “диний байрам” сифатида қатағонга учради. Ҳолбуки, Ийсо алайҳиссалом номи билан бевосита боғлиқ бўлган Рождество — Америкада, Янги йил байрами эса шўролар юрти ва жумладан, Ўзбекистонда ҳам мунтазам нишонланар эди... Хуллас, у бўлди-бу бўлди, халқимизнинг гузал байрами бўронлар чангагида қолди. Шундай кунлардан бирида, 1986 йили мени “юқори идора”га таклиф қилишди. Марказкомдаги раҳбарлардан бирининг жиддий топшириғи борлигини айтдилар. Каминага жиддий “партийное поручение” берилди. “Сизга икки ҳафта муҳлат: “Навбаҳор” деган сценарий ёзасиз, шу сценарий бўйича баҳор байрами ўтказилади”. Бу ишни қилмайман, деб рад этишдан маъно йўқ, балого қоласиз. Рози бўлиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Охири баҳона толгандек бўлдим. “Уэр, мен умримда сценарий ёзмаганман, бу ишни киночилар уддалайди”, дедим. Баҳона

ўтмади. “500 бетли роман ёзган одамга 30 бетли сценарий ёзиш нима бўпти?” деб “мот қилишди”. Чиндан ҳам ўша йили “Икки эшик ораси” романи нашр этилган эди... Хуллас, икки ҳафтадан кейин тагин чақирдишди. Биринчи савол “где сценарий?” бўлди. (У даргоҳда фақат рус тилида сўзланади). Ўн беш кун ўйлаб юрган гапимни айтдим. “Самарқандда, Ургут районида Чорчинор деган жой бор. Ҳар йили 21 март кунининг одамлар тўпланади. Қайноналар янги туширган келинини саломга олиб чиқади, хотинлар кўк сомса, сумалак пиширади, оқсоқол деҳқонлар фотиҳаси билан ерга омон солинади. Одамлар бир-бирига яхши тилаклар билдиради, аразлашиб қолганлар ярашади...” “Это же Наврўз?!” дейишди ҳам хайрат, ҳам таҳдид билан. Навбаҳор билан Наврўзнинг фарқи йўқлигини, Наврўз байрами ҳеч қандай динга, жумладан, Исломи динига ҳам алоқадор эмаслиги, юртимизда бу байрам минг йилдан бери нишонланиб келишини айтдим. Ҳар қалай мени аядилар: партиявий жазо бериб, “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррирлигидан ҳайдаб юбормадилар. Шунисига шўр қилдим.

Дарвоқе, Наврўз билан боғлиқ яна бир хангома эсимдан чиқмайди. Ўшандан кейин бир-икки йил ўтиб устозим Саид Аҳмад ака билан Самарқандга бордик. Университет домчалари — дўстларимиз ғалати воқеани айтиб беришди. “Динга қарши курашувчи” комиссия университетга борган. Аудиторияларни кўрган, ётоқхоналарга кирган. Қарашса, талаба қизлар ётоқхонада узун лозим кийиб юрганмиш. Шунангача тўполон бўпти, шунақанги тўполон бўпти! Узун лозим “эскилик сарқити” экан. Шунга гапиришган эди, Саид Аҳмад ака “Сенлар ҳам қизиксанлар, ўша камиссиядан сўрамадингларми, умуман лозимсиз юргандан кўра узун бўлсам лозим кийган дуруст шекилли, демаядингларми?” деди “содаллик” билан... Бундан ҳам қизиғи университетнинг катта залида талабалар билан учрашувда бўлди. Беш-олти юз одам! Ҳаммининг кўзи устозда! Негадир Саид Аҳмад аканинг менга меҳри “ошиб-тошиб” кетди. Нуқул “биринчи бўлиб сен сўзга чиқасан”, дейди. “Ундай қилмайман, ноқулай бўлади”, десам, “Хўп деявергин, мен бир нарсани билмасам гапирмайман, ҳамма сени кутаяпти”, деди. Охири айтганини қилдим. Бирпасда олам-жаҳон саволлар тушди. Улар орасида бир савол қайта-қайта такрорланган

эди. “Наврўз байрамининг динга алоқаси йўқ, шундай халқ байрами нега бекор қилинди?” Шу иш нотўғри бўлди, десам балого қоламан, “топшириқ”ни бажармай бир марта “шаккоклик” қилганимнинг ўзи етарли. Бу иш тўғри бўлди, десам виждонсизлик бўлади. Шунинг учун бу қалтис саволга жавоб бермай кўяқолдим. Энди минбардан тушиб кетаётсам, олдинги қаторда ўтирган ёши улўғроқ бир киши (домла бўлса керак) ўрнидан турди. “Бир савол жавобсиз қолдику, — деди зарда билан. — Наврўзнинг нима айби бор, нега тақиқланди?”

Бир зум довдираброк, турдим-да, хаёлимга зўр фикр келди. “Домла, — дедим тавозе билан. — Давраимизда кўпни кўрган устозимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ака ўтирибдилар. Бу саволингизга шу киши жавоб берадилар!” Ёнига келиб ўтиришим билан устоз жаҳл аралаш пи-чирлади: “Ярамас, шу савол тушишини билиб, аввал сен гапиргин, дегандим, расво қилдинг-ку буёғини!” Устоз ҳам кўп нарсалар ҳақида гапирдилар, ажойиб ҳазиллар билан ҳаммани кулдирдилару Наврўз масаласига йўламадилар. Буни қаранги, бояги қайсар “домла” “диғоним-диғон” дейдиганлар хилидан экан. Саид Аҳмад ака минбардан тушиб кетаётганида дик этиб ўрнидан турди. “Саволга сиз ҳам жавоб бермадингиз-ку, домулло?!” деди овозини баралла қўйиб. “Хов, манга кара, — деди Саид Аҳмад ака таҳдид билан. — Нима, мен санга ҳукуматманми? Анави редактор билмаган нарсани ман қаердан билай?! Наврўз нега тақиқланганини билгинг келаятган бўлса, шу бугунги кунни дафтаринга ёзиб қўй, саволингга уч йилдан кейин жавоб оласан!”

Буни қаранги, Саид Аҳмад аканинг гапига фаришталар омин деган эканми, орадан кўп ўтмай Наврўз тикланди. Тикланибгина қолмай, мустақиллик шарофати билан расман халқ байрами сифатида нишонландиган бўлди... Шу тариқа Истиқлол туфайли ота-боболаримизнинг минг йиллар давом этган удуми — миллий қадриятларимиз белгиси Наврўз байрами ҳар қандай “аяма-жузлару”, “аҳмон-дахмон”лар, ҳар қандай таҳдидлару бўронлардан омон-эсон ўтиб, янги кун, янги йил, янги орзулар, янги тилаклар мустажаб бўладиган байрам сифатида нишонланадиган бўлди.

Шу кунларга етказгани учун Яратганга шўкроналар бўлсин!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚОЗОҒИСТОНЛИК МАГИСТРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент Тиббиёт академиясида Қозоғистондаги Афсендияров номидаги тиббиёт университети магистр талабалари меҳмон бўлишди. Ташриф давомида меҳмон талабалар Тошкент Тиббиёт академиясидаги шарт-шароитлар ва яратилган имкониятлар билан танишишди.



Тадбирни Тошкент Тиббиёт академияси коллеж ва лицейлар билан ишлаш бўйича проректор Баймаков Сайфиддин Рисбаевич очиб берди. У ўз сўзида Тошкент Тиббиёт академияси имкониятлари ва унинг илмий салоҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Улардан сўнг ОМХ факультети декани Шахло Ҳабибуллаевна Бакиева сўз олиб, ОМХ факультетининг миқёси ва нуфузи ҳақида гапириб ўтди. Шу кунини магистрлар Тошкент Тиббиёт академияси Ёшлар иттифоқи фаолияти билан яқиндан танишди. Уларга берилган ваколатлар, имтиёзлар ва улар учун яратилган имкониятлар билан ТТА ЁИ БТ етакчисининг 1-ўринбосари Анваров Дилмурод таништирди.

Таништирув давомида Халқаро бўлим бошлиғи Исраилов Жаҳонгир Жамшидович Тошкент Тиббиёт академияси ташкил

топиши ва унинг тарихи ҳақида йиғилганларга тўлиқ ва қизиқарли маълумот берди. Улар ҳам ўз навбатида Қозоғистондаги ёшларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар ва “Жас Отан” партиясининг ёшлар қаноти ҳақида маълумотлар беришди. Тақдимотлар тугагандан сўнг қозоғистонлик магистр талабалар ва ТТА талабалари ўртасида савол-жавобга бой бўлган қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатдан сўнг, қозоғистонлик магистр талабалар илиқ қабул учун Тошкент Тиббиёт академияси Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотига миннатдорчилик билдириб, келажакда ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида келишиб олишди.

С.И.МАВЛЯНОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси
Ёшлар иттифоқи
бошланғич ташкилоти етакчиси



НАВРЎЗ САДОСИ

*Атроф кийган, яшил тўнини,
Сезмоқдамиз, баҳор исини.
Наврўз келар, шодликни олиб,
Ёшлик ҳисси, босар кўнғилни.*

*Сумалаклар қайнар шовуллаб,
Шўх тарона, ҳар ён жаранглаб.
Келди бугун, Наврўзи олам,
Дарак берар, булбуллар сайраб.*


*Боғлар яшнар, очилиб гуллар,
Қуёш тиғи жонни эркалар.
Ҳеч бир юртда бундай келмайди,
Бизда баҳор шундайин келар.*

*Омон бўлсин, Юртбошим ҳар он,
Ҳавасдадур, бутун эл-жаҳон.
Наврўз келар, аста юртимга,
Жар солмоқда, оламга Даврон.*

*Бу барчаси, тинчлик меваси,
Бу барчаси, элнинг дуоси.*

*Бугун мана, юртимни тутди,
Гўзал байрам, Наврўз садоси!*

Давронбек УРУНОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси
“Ёшлар иттифоқи” БТ фаол аъзоси,
V босқич талабаси



ДАВЛАТ МАСЛАХАТЧИСИ МУАММОЛАРНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТДИ

Ислохотларга хайрихоҳлик, касбга фидойилик, ишончга муносиб бўлиш кўнгилда уйғоқ тураркан, инсон ҳар қандай эзгу ишларни амалга оширишга қодир.

Бугун Президент умид билдирган Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ёшларнинг ишончини қозониш борасида соғиналар билан ҳисоблашаёпти.

Ҳеч бир етакчи бугун кабинетда ўтираётгани йўқ. Ёшлар етакчилари халқ, ёшлар ичида юриб, том маънода улар билан бирга яшаёпти.

Жумладан, айна кунларда давлат маслаҳатчиси ўз ишчи гуруҳи билан Наманган вилояти Қосонсой туманида уйма-уй юриб, юртдошларимизнинг яшаш шароити, соғликлари, муаммолари, орзулари ҳақида суҳбатлашмоқда.

“Хуррият” маҳалласидаги аҳоли билан бўлган самимий суҳбат давомида маълум бўлдики, ушбу ҳудудда газ, ичимлик суви, канализация борасида муаммолар мавжуд. Аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Хонадонлар эшигини қоқиб, ҳол сўраётганлар ташрифидан мамнун Роҳатжон буви йўқлагувчиларни ҳамда Юртбошимизни узоқ дуо қилди. Боқувчисиз қолган онахонга эндиликда маҳалладаги 2-сонли мактабнинг сардорлари

ғамхўрлик қилади. Шунингдек, онахонга уч қоп кўмир берилди ҳамда тиббий кўрик ва бепул дори-дармонларга йўлланма тақдим этилди.

Навбатдаги хонадонда истиқомат қилувчи Ҳожихонов Музаффархон бир неча йиллардан буён хорижга чиқиб, рўзгор тебратиши аниқланди. Давлат маслаҳатчиси хонадон соҳиби билан суҳбатлашиб, унга имтиёзли 4 % ли кредит олиб, томорқасида иссиқхона ташкил этишни тавсия этди.

Шу куннинг ўзида банк ходимлари зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришди.

Хонадон соҳибига психолог ҳам бириктирилди. Энди Музаффархон яқинларининг олдига, ўз томорқасида меҳнат қилиб, оила тебратади.

Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳ шу куннинг ўзида 258 та хонадонга ташриф буюриб, Юртбошимизнинг халқимизга бўлган эътиборлари ва ғамхўрликларини етказди.

Д.АНВАРОВ,

Тошкент Тиббиёт академияси

Ёшлар иттифоқи раиси биринчи ўринбосари

32 ТА ЁШ ОИЛАГА “ЁШЛАР УЙЛАРИ” КАЛИТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида қурилган “Ёшлар уйлари”даги хонадонлар турли соҳаларда муваффақиятларга эришадиган ёш оилаларга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бунёд этилаётган замонавий, шинам ва арзон уйлар ёшларни ўз устида мунтазам ишлаш, самарали натижаларга эришишга ундайди.

Бу уйлар юртимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган, фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришадиган, республика ва халқаро олимпиадалар, мусобақалар, фестивалларда фаол қатнашаётган йигит-қизларга берилди.

Ҳозирги кунга келиб Тошкент шаҳрининг Сергели, Учтепа, Бектемир, Миробод ва Чилонзор туманларида намунавий лойиҳа асосида жами 10 та уйдан иборат 288 хонадонли “Ёшлар уйлари” барпо этилди ҳамда ёш оилаларга топширилди.

2017 йилда Тошкент шаҳрининг Олмазор, Юнусобод ва М.Улуғбек туманларида ҳар бири 192 хонадондан иборат бўлган 10 та “Ёшлар уйлари” барпо этилди.

Бугун ҳам Мирзо Улуғбек туманида барпо этилган 2 та 16 хонадонли “Ёшлар уйлари” 32 нафар ёш оилаларга бошланғич бадалсиз, 20 йил муддатга имтиёзли ипотека кредити асосида тўла бориш шарти билан фойдаланишга топширилди.

Ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ва уларнинг ота-оналари, кекса отахон ва онахонлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари қатнашди.



Ушбу уйлар барча талабаларга жавоб берадиган, барча қулайликларга эга бўлиб, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, телефон алоқаси ҳамда электр энергияси билан тўлиқ ва узлуксиз таъминланган.

С.И.МАВЛЯНОВ,

Тошкент Тиббиёт академияси

Ёшлар иттифоқи бошланғич

ташкilotи етакчиси

“Келинг, ватанимизга қанот бўлайлик!”

“Бизни ҳамisha ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ЁШЛАР! Майли ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз. Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш. М. Мирзиёев

Биз – ёшлар Юртбошимизнинг бизга билдирган ва билдираётган ишончларини оқлай олаёмизми?

Биз учун яратилган тенгсиз имконият-у шароитларга муносиб бўлаёмизми?

Эртасини биз ва бизнинг келажагимиз орқали кўрадиган ота-онамизга-чи?

Бизга ўз билим ва тажрибасини ўргатиб асло чарчамайдиган жондан азиз устозларимизга-чи?

Хўш, эртага биз Ватанимиз тараққиётига, унинг гуллаб-яшнашига қандай қилиб, қай тарзда, қайси ишимиз билан ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз?

Бугунги кунда Тошкент Тиббиёт академиямизда 3000 дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Ушбу талабаларнинг барчаси академия доирасида ўтказилган барча маънавий тадбирлар, анжуманлар ва конкурсларда фаол қатнашиб келишмоқда.

Жумладан, ушбу ойда талабалар ўртасида «Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик» мавзусида иншолар танлови бўлиб ўтди. Бундан кўзланган асосий мақсад биринчидан, БИЗ ёшларнинг ўз олдимишга қўйган мақсадимизнинг қандайлигини билиш бўлса, иккинчидан, БИЗ нечоғлиқ тўғри йўлдамиз?

Ватан бу – ота-она, ака-ука, опа-сингил, ёр, фарзанд, қариндош-уруғ, дўст-биродар. Улар муқаддас! Уларни асрайлик! Уларга бахт улашайлик!

Келинг, ҳар бир ёш қўлни қўлга бериб бирдам ва аҳил бўлайлик. “Ватан менга нима берди” – деб эмас, балки “Мен Ватанга нима бердим” – шиори остида яшайлик.

Аллоҳга шукри, тинч ва осуда, гўзал диёрда яшаймиз. Биз мустақиллигимизни мустақамлашда Юртбошимизга бамисоли қанот бўламиз, зеро Ўзбекистон келажаги ақлли, зукко, соғлом фикрли ёшлар қўлида.

Келинг, илм-фанни чуқур ўрганиб, янгиликлар яратиб, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб Ватан равақига ҳисса қўшайлик! Утмишсиз келажак йўқ дейишадди. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Тенгдошларим, келинг мозийга бир назар солайлик, тарихимизни чуқурроқ ўрганайлик!

Азиз ёшлар, биз ўз Ватанимизнинг келажагимиз, шу сабаб соғлом бўлиш учун спорт билан шуғулланайлик!

Ҳозирги глобаллашув жараёнида мустақил Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини янада топишида, мамлакатимизни бутун дунёга танитишда биз ёшлар бор куч-ғайратимизни, шижоатимизни, билим ва тажрибамизни максимал ишга солимоғимиз даркор. Тенгдошларим, келинг шу йўлда бирлашамиз!

Бўш вақтимизни турли ижтимоий тармоқларда эмас, кутубхоналарда бадий китоблар мутолаа қилиб ўтказайлик.

Мен ўз соҳамда етук инсон бўлибгина қолмай, ватандошларимизнинг шароитини янада яхшилашга ўз ҳиссамни қўшаман. Келинг, биз ўз атрофидаги воқеаларга бефарқ инсон бўлишдан сақланайлик. Лоқайд инсон бўлиб қолмайлик!

Азиз юртдошлар, ёшлар, келинг қўлни қўлга бериб бирлашайлик. Бизга мерос бўлган юртга хизмат қилиб, буюк аждодларимиз, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Каримов ва ўз ишларини аъло даражада бажариб келаётган халқпарвар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ишончларини оқлайлик.

Азиз тенгдошларим, халқ томонидан сайланган мамлакат

Президентининг обрў-эътиборини мустақамлаш ва сақлашга ўз ҳиссамизни қўшайлик;

Замонавий даволаш ва диагностика усулларини чуқур ўзлаштириб, янги инновацион технологияларни ишлаб чиқайлик;

Мустақил ватан тақдирини билан ўз тақдиримизни чамбарчас боғлаб, ватанпарвар ва фидойи инсон бўлайлик;

Ватан учун қанот бўлиш деганда нимани тушунасан? Мен бу сўзни жуда оддий тушунаман. Тинч ҳаётингизда қанотсиз учадиган қушни кўрганмисиз?! Мен кўрмаганман. Чунки ундай қушнинг ўзи йўқ. Қушлар учун қанотлари учиниш учун хизмат қилади, ҳаёт кечирини учун асосий тана аъзоси ҳисобланади. Биз ёшлар ҳам ватанимиз учун камида шу даражада бўлишимиз шарт ва зарур. Шундагина ватан олдидаги бурчимизни адо этган бўламиз.

Дарахт қанчалик юксак бўлмасин илдизидан узоқлашса, албатта, қурийдир, шунинг учун тарихимизни, миллий қадриятларимизни асло унутмаслигимиз лозим. Тарихимизни чуқурроқ ўрганайлик!

Биз ёшлар шундай ҳаракат қилайликки, меҳнатларимиз ҳаракатимиз самараси ҳар бир юртдошимизда шукроналик ҳиссини кучайтирсин. Бунинг учун ўзимиз ҳам шукроналик ҳисси билан яшамоғимиз лозим.

Яратганга шукрлар бўлсинки ватанимиз бугун ҳар соҳада талабаларга ўрганиб қолди. Ҳасанбой Дустамов мисолида чарм қўлқоп усталари, Равшан Эрматовдек футбол ҳакамлари, Исломбек Синдоров каби гроссмейстерлар юртимизга мисли қўрилмаган зафарларни тақдим этишди. Яқиндагина ёшлар ўртасида Осий чемпионатида ЎЗИГА БЕК ўзбек ўғлонларининг мардонатор ўйинида шонли галабанинг қўлга киритилганлиги, Ўзбекистоннинг кўкларга парвозида чин камарбасталари борлигини кўрсатади. Тенгдошларим, БИЗ ҳам байроғимизни кўкларга кўтарайлик, Академиямизни муваффақиятли тамомлаб ўз соҳамиз бўйича янгилик яратайлик!

Ҳар биримиз “Мен бугун қандай инновацион ёндашув қилдим, бир ой, бир йил давомида қандай инновацион технологияларни ўз фаолиятимга киритдим” деб ўзимизга ва ўртоқларимизга ҳисобот берайлик.

Менинг жамиятдаги ўрним қандай, кимга ўрناق бўла оламан деган савол билан ўз ўзимизга юзланайлик.

Теран фикрли, олдига улкан мақсадларни қўйган талабаларимиз албатта кўп ишларга қодир. Улар ўз мақсадларига эришмай қўймайдилар.

Бирок, «танга»нинг иккинчи томони ҳам бор. Афсуски биз яшаб турган жамиятимизда йўлдан адашган, турли диний оқимларга кириб қолиб маънавиятида бўшлиқ пайдо бўлганлар ҳам йўқ эмас.

Агарда биз ёшлар Юртбошимизнинг ишончларини оқлашга, эртанги кунимизга бўлган умидимизни сундирмай астойдил интилиб, олға ҳаракат қилсак, олийгоҳларимизда ўтказиладиган маънавий тадбирларда фаол қатнашиб мафкуравий иммунитетимизни ошириб борсак ҳеч қачон лоқайд инсонга айланиб қолмаймиз ва ҳеч қандай вайронкор гоё бизнинг маънавиятимизга таҳдид соломмайди.

Шундай экан азиз тенгдошларим, қадрдон ёшлар, **КЕЛИНГ, ВАТЕНИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК !!!**

Гулшана ҲАЙДАРОВА,

Тошкент Тиббиёт академияси

Тиббий педагогика факультетининг 103-гуруҳ талабаси

